

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2017  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Г.АКРАМОВА</b>	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш .....	70
<b>Ш.ЮСУПОВА</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида .....	73
<b>Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ</b>	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор-ларининг когнитив типологияси .....	75
<b>Н.АЛИЕВА</b>	
Инглиз ва рус тилларидаги кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллараро корреспонденцияси .....	82
<b>Қ.КАХАРОВ</b>	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши .....	85

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ</b>	
Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш .....	88
<b>З.БОБОЕВА, С.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар .....	91
<b>Р.ДЖАЛИЛОВА</b>	
Буюк тасвирий санъат усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни .....	94

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Н.МИРЗАКАРИМОВА</b>	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари .....	96
<b>Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА</b>	
Ўрта махсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш .....	98
<b>М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОЕВ</b>	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш .....	100
<b>Д.ҚОДИРОВА, С.ТҲХТАЕВ</b>	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси .....	102
<b>Н.ЖУРАҚҲЗИЕВ</b>	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар .....	105
<b>Д.ТЕШАБОЕВ</b>	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши .....	107
<b>З.АКБАРОВА</b>	
Тил ва унинг функциялари ҳақида .....	109
<b>З.САЛАХИДИНОВА</b>	
И.С.Тургенов прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси .....	111
<b>Н.ҚАРШИЕВ</b>	
Қоракўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар .....	113
<b>Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА</b>	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш .....	115
<b>Б. СОТВОЛДИЕВ</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти .....	116
<b>Г.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари .....	118
<b>Д.НУРАЛИЕВА</b>	
Оилага психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш .....	121

#### ХОТИРА

<b>Наримон Нурматович ҚОРИЕВ</b> .....	124
--	-----

#### ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиогрaфия .....	125
--------------------	-----

## “ХАУСТУАНИФТ”ДА САМОВИЙ КУЛЬТ ФУНКЦИЯЛАРИ ҲАМДА ОСМОН БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАР

Н.Жўрақўзиев

### Аннотация

Мақолада “Хаустуанифт”да самовий культ функциялари изоҳланган. Бундан ташқари, осмон билан боғлиқ тушунчалар, Кун, Ой культлари қиёсан таҳлил қилинган. Қадимги туркий монийлик адабиёти мифопоэтикаси ҳақида фикрлар билдирилган.

### Аннотация

В статье характеризуются функции небесных культов в “Хаустуанифт”е. Кроме того, подвергнуты сравнительному анализу понятия, связанные с небом, культы Солнца и Луны. Высказаны мнения о мифопоэтике древнетюркской манихейской литературы.

### Annotation

In the article the functions of heavenly cults in “Haustuanift” are characterized. In addition, subjected to a comparative analysis of the concepts associated with the sky, the Sun and Moon cults. The opinions on mythopoetics of ancient Turkic Manichean literature are expressed.

**Таянч сўз ва иборалар:** “Хаустуанифт”, самовий культлар, Кун, Ой культлари, мифопоэтика.

**Ключевые слова и выражения:** “Хаустуанифт”, небесные культы, культы Солнца и Луны, мифопоэтика

**Key words and expressions:** “Haustuanift”, celestial cults, cults of the Sun and Moon, mythopoetics

Бадий тафаккур тушунчаси диний оқимлар, мифологик қахрамонлар, тарихий шахслар тўғрисидаги миф ва афсоналарни қамраб олиб, мазкур омиллар қадимги туркий адабиётнинг юзага келишига замин бўлди [7.12]. Қадимги туркий адабиёт ҳақида сўз кетганда, одатда, аксарият ҳолларда Ўрхун-Енисей ёзувидаги ёдгорликлар тилга олинади. Лекин қадимги туркий адабиёт фақат шу ёдгорликлар билан чекланган эмас, балки қадимги туркий адабиётнинг манзараси анча кенг. Бу давр адабиёти бўйича ҳозирча тўпланган матнлар шундан далолат берадики, Ўрхун-Энасой ёзувидаги ёдгорликлар қадимги туркий адабиётнинг бир қатлами ва йўналишини ташкил этади, холос. Ўрта Осиёда фаол ҳаракатда бўлган зардуштийлик, шомонлик, монийлик, будда диний оқимлари ҳам алоҳида-алоҳида оқимдаги туркий адабиётни шакллантирган. Мазкур оқимларнинг Марказий Осиёда пайдо бўлиш тарихи турлича: шомонлик оқими Марказий Осиёда азалдан мавжуд бўлган бўлса, буддавийлик диний оқим сифатида милонинг бошларида кириб кела бошлади. Монийлик оқимининг кириб келишида ҳам ўзига хос омиллар мавжуд. Шу нуқтаи назардан ҳар бир оқим ўзига хос мифологик қонуниятлар

манзарасини касб этган.

Қадимги туркий адабиётнинг шаклланиш босқичлари ҳам дунё халқларининг адабий жараёни билан умумий хусусиятларга эга. Ташқи ва ички омилларнинг уйғунлашуви туркий адабиётнинг шундай бир қатламини юзага келтирдик, бу омиллар, аввало, ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнади. Мазкур омиллар миф ва афсоналарнинг шаклланишига туртки бўлди. Бу жараён шу заминдаги халқнинг бадий тафаккури билан зич боғланган бўлиб, қадимги туркий адабиётнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклини келтириб чиқарди. Илк даврдаги ёзма адабиёт эса, айтилганда, оғзаки адабиётни ҳам гавдалантирди. Адабиётшунослиқда ҳалигача кенг оммага яхши маълум бўлмаган, етиб бормаган шундай асарлар борки, бу асарларнинг туркий халқлар адабиёти тарихида тутган ўрнини белгиламасдан туриб, қадимги туркий халқнинг маълум тарихий босқичдаги маданий, ижтимоий-сиёсий мавқеини белгилаб бўлмайди. Милонинг бошларидаги давр мафқураси, жамиятдаги маънавий бўшлиқ айнан шу асарлар орқали тўлдирилади. Шу боисдан ҳам монийлик оқимининг ва унинг таъсирида ёзма

Н.Жўрақўзиев – ТошДўТАУ катта илмий ходим-изланувчиси.

адабиётнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, зарурат бўлган эди. “Хаустуанифт” шундай асарлардан биттасидир. Монийлик адабиёти қадимги туркий адабиётдаги алоҳида, ўзига хос бўлган оқимнинг маҳсулидир. “Хаустуанифт” Моний жамоаси аъзоларининг мадҳияси сифатида янграган. Асарнинг энг диққатга сазовор томони шундаки, асар монийлик оқимини тарғиб қилишдангина иборат эмас, балки бу оқимнинг туб моҳияти ва келиб чиқишини таҳлил қилишга бағишланган. Асар қадимги туркий, “Авесто”даги образларни ҳамда зардуштийликнинг кейинги давридаги мифологик қаҳрамонларни ўз ичига олгани, бу образларнинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда давом эттиргани билан ҳам диққатга сазовордир. Монийлик мифларида, Қуёш ва Ой зулмат кучларидан қутқариб олинган нурнинг бир қисмидан яратилганлиги айтилади. Шунинг учун ҳам юқоридаги манбада ер-сувни, тупроқ ва илдизларни уларнинг ҳузурига покланиш учун жўнатилганлиги айтилмоқда. Кун ва Ойдан ўзини юқори қўйиш гуноҳ ҳисобланган. Тарихий-адабий манбалардаги маълумотлар ҳам аждодларимиз дунёқарашда қуёшга сиғиниш аънанаси муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатади. Хусусан, Страбоннинг ёзишича, “Массагетлар қуёшни тангри деб билганлар ва унинг шарафига отларни қурбонлик қилишган.” [3.22] “Хаустуанифт” асарининг иккинчи бўлими бошидан охиригача Кун ва Ой культлари вазифаларига тўхталганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳозирда ҳам хонадонларда қуёш тасвири ёки рамзий аломатларидан бирининг чизгилари туширилган кигиз, гилам ва сўзана каби нарсаларнинг бўлиши хосиятлик белгиси ҳисобланади [5.109].

Қадимги туркий манбаларга комплекс тарзида ёндашсак, Кун ва Ой култи барча давр манбаларида мўътабарлаштирилганлигига гувоҳ бўламиз [2.215].

Култ элементларининг такрорланиши ҳам қадимги туркийларда узлуксиз жараён ҳисобланган [8.22]. Монийлик мифологиясига кўра, улар маъбуд ҳисобланган. Қуёшни поклик манбаи деб тушуниш мифологик тасаввур ва афсоналарда ҳам ўз ифодасини топган, хусусан, қирғизларнинг мифологик қарашларига кўра, қуёш гуноҳкор одамлар куйдириладиган дўзах ўти эмиш [4.20].

Мақолада “Хаустуанифт”да самовий култ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчаларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Манбалардан англашилдики, будда ва монийлик манбаларидаги космогоник жисмлар функциялари деярли бир хил вазифа бажарган. Бундан ташқари, шомонлик билан боғлиқ мифологик образларнинг манбаларда учраши ўша давр учун хос бўлган синкретик адабиёт сифатида қаралса, мақсадга мувофиқдир. Айрим олимлар таъкидлаганидек, қуёш култи ҳам, олов култи ҳам комплекс ва кўп функцияли ҳодисалардир. У ёки бу култнинг замирига асос бўлган омилларни ҳам комплекс тадқиқ этиш лозим. Чунки мазкур култлар синкретик табиатга эга бўлиб, унда турли хил эътиқод ва ишончлар бирлашиб кетган [6.133], деган фикрларда асос борлиги ҳам ойдинлашди. Бу ҳолат қадимги туркий манбалар – “Олтун ёруғ”, Ўрхун-Энасой, қадимги турк-будда шеърляти, “Хаустуанифт”, “Ирқ битиг” кабиларда ҳам параллель равишда кўзга ташланганлиги билан ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

#### Адабиётлар:

1. O'zbek mumtoz adabiyoti. I – jild. Tuzuvchi, izoh va sharhlar muallifi, Rahmonov N. – T.: Fan, 2005.
2. Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. Наука. Сибирское отделение, – Новосибирск., 1984.
3. Древние авторы о Средней Азии. – М., 1990.
4. Жавлиев Т. Табиат, инсон ва дин. – Т.: Фан, 1986.
5. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Т.: Фан, 1995.
6. Иванова Ю.В. Следы сольярского культа. // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. – М., 1983.
7. Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди. –Т.: Халқ мероси, 2002.
8. Раҳмонов Н.А. Ўрхун-Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. Филол. фан. док. дис. – Т., 1991.
9. Сағалаев А.М. Мифология и верования алтайцев. Центрально-азиатские влияния. – Новосибирск, Наука, –1984.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).